Халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгаши

Қ А Р О Р И

2020 йил 26 декабрь **108/19-6–сон** **Янгиер шаҳри**

Маҳаллани бўлиш ва янги маҳалла ташкил этиш тўғрисида

Янгиер шаҳар ҳокимининг 2020 йил 7 декабрдаги “Маҳаллани бўлиш ва янги маҳалла ташкил этиш ҳақида”ги 01/05-1266-сонли таклифини ва вилоят ҳокимлиги комиссиясининг 21.12.2020 йил 21 декабрдаги 3/03-5626-сонли хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сон қарори билан тасдиқланган Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тўғрисидаги низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддаларига асосан Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Шаҳар ҳокимининг 2020 йил 7 декабрдаги “Маҳаллани бўлиш ва янги маҳалла ташкил этиш ҳақида”ги 01/05-1266-сонли таклифини ва вилоят ҳокимлиги комиссиясининг 21.12.2020 йилдаги 3/03-5626-сонли хулосаси маъқуллансин.

2. Шаҳардаги бўлинадиган ва янги тузиладиган маҳаллалар номлари **1-илова**га мувофиқ;

шаҳардаги бўлинидиган ва янги ташкил этиладиган маҳаллаларнинг ер майдони **2-илова**га мувофиқ;

шаҳардаги бўлинадиган ва янги ташкил этиладиган маҳаллаларнинг аҳолиси сони **3-илова**га мувофиқ;

шаҳардаги бўлинадиган ва янги ташкил этиладиган маҳаллаларнинг чегаралари **4-илова**га мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шаҳар статистика бўлими (Ж.Кучмуродов), шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (в.в.б О.Тўраев), шаҳар қурилиш бўлими (А.Карабаев) ва бошқа тегишли мутасадди давлат органлари билан биргаликда, маҳаллаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базасини шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширсинлар.

4. Шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи (У.Обидов) фуқароларнинг хорижга чиқиш, кириш учун ҳужжатларини расмийлаштиришда маҳаллаларнинг бўлинганлигига ва қайта ташкил этилганлигига эътибор қаратсин.

5. Шаҳар қурилиш бўлими (А.Карабаев) шаҳарда янги тузилган маҳаллаларга янги ном ёзилган кўрсатгич ва белгилар, пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида ўрнатиш топширилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини доимий комиссияси раислари зиммасига юклатилсин.

7. Ушбу қарор расман эълон қилингандан сўнг кучга киради.

Ҳалқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгаши раиси **И.Хўжаев**